

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛ ГАДАЙМУРОДОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ
СОЦИАЛ МОБИЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on sociological sciences**

Абдуллаев Акмал Гадаймуродович Жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллигини такомиллаштириш механизмлари	3
Абдуллаев Акмал Гадаймуродович Механизмы совершенствования социальной мобильности молодежи в условиях модернизации общества.....	25
Abdullaev Akmal Gadaymurodovich Mechanisms of improvement of the social mobility of young people in conditions of the modernization of the society	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛ ГАДАЙМУРОДОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ
СОЦИАЛ МОБИЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.10.PhD/Sots10 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуазимов Оқилжон Утқурович
социология фанлари доктори

Қуронов Мухаммаджон
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, __ хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, ___-қават, __ хона. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.М. Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

Б.Ш. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, соц.ф.н., доцент

А.О.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, соц.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ёшлар сонининг жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Маълумотларга кўра, «дунё аҳолиси 7,6 миллиарддан ортиқ, улардан 31.5%ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда»¹. Ёшлар сонининг ўсиш даражаси давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига катта таъсир кўрсатади. Бу, ўз навбатида давлатнинг ёшларга бераётган эътиборига, ёшларнинг ўз ҳаётини қуришлари учун яратилаётган шароитларга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинаётганига, иқтидор ва қобилиятлари орқали ўз имкониятларини амалга ошириш учун берилаётган имтиёзларга боғлиқ бўлади. Шу боис ёшлар социал мобиллигини такомиллаштириш ва замон билан уйғунлаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда ёшлар социал мобиллиги борасида олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, ёшлар социал мобиллиги билан бевосита боғлиқ бўлган ишсизлик, миграциянинг турли шакллари ва бандлик масалаларининг статистик динамикаси (International Association of Survey Statisticians (IASS), Netherlands), трансформация ва модернизация шароитида ёшлар социал мобиллигида юзага келаётган мураккабликларини аниқлаш (European Survey Research Association, UK), социал стартификация жараёнларида ёшларнинг таълим олиш имкониятлари, таълим миграцияси ва ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш (World Association for Public Opinion Research (WAPOR), USA) тизимини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилганлиги, шу билан бирга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чоратadbирлари белгиланиши зарур»². Ёшларнинг ижтимоийлашув босқичлари ва жараёнлари, уларнинг социал стратификация жараёнларида социал мобиллик билан боғлиқ муаммоларни манзилли ҳал этиш, ёшлар ва ижтимоий гуруҳлар социал мобиллиги ва ижтимоий ҳаракатларнинг ташкилий жараёнларини тизимли тартибга солиш, бу борада зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган комплекс ижтимоий-социологик тизимни янада такомиллаштириш йўналишларида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division. World Population Prospects 2019 - <https://population.un.org/wpp/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи», 2020 йил 25 январь. №19.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар социал мобиллигини ўрганиш ва унинг ҳолатларини янада яхшилаш имкониятлари юзасидан турли фан намоёндалари томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Шарқ мутафаккирларининг асарларида социал мобиллик ҳодисасига жамоатчилик фикри жамиятдаги ижтимоий муҳит, оқилона бошқарув, дин маърифати ва шахс эътиқоди омилларига катта таъсир ўтказиши тадқиқ этилади. Хусусан, Абу Мансур ал-Мотуридий мобиллик ҳодисасини шахснинг ихтиёри билан боғлайди. Ал-Мотуридийнинг асарларидаги шахснинг маънавий-интеллектуал такомиллашуви, унинг жамиятдаги ўз социал мавқеини онгли равишда ўзгартириши мумкинлиги, бу ўзгариш имконияти унинг ўзида эканлиги ҳам ҳозирги замонавий социологияда ҳам муҳим социологик дискуссия сифатида социал мобилликнинг ўзига хос каналларидан бири деб таъкидлаш мумкин. Социал мобилликнинг ижтимоий муҳит ўзгариши билан боғлиқлигини асословчи нуқтаи назарни Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асарларида муфассал баён этилган³ини кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, А.Умаров, А.Холбеков, Р.Убайдуллаева, Н.Алиқориев, М.Ганиева, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, А.Сеитов, О.Абдуазимов, К.Каланов, Б.Каримов, Б.Фарфиев⁴лар томонидан

³ Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Тошкент: А.Қодирий, 1999. – Б.252.

⁴ Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2020. – Б.436.; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. докт. илмий дар-ни олиш учун тайё. дисс. – Тошкент: УзМУ, 2005.; Холбеков.А.Ж. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. – Тошкент: Университет, 1996. – Б.25.; Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Молодежь независимого Узбекистана. – Ташкент: Центр «Ижтимоий фикр», 2010. – С.146.; Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент: «Ижтимоий фикр», ЎзР ФА Иқтисод институти, 2008; Алиқориев Н.С. Общая социология.: 1999. Б.35-40.; Ганиева М.Х., Карамян М.Х. Профессионально-этические аспекты социальной работы с пожилыми людьми // Общественное мнение. Права человека. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 2015. - №4. – С.110-116.; Матибаев Тошкент: Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг ривожланишида социологиянинг тутган

олиб борилган тадқиқотларида ёшлар муаммолари, улардаги мобиллик билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар фуқаролик жамияти институтларининг социал мобиллик билан боғлиқ фаолиятига доир муайян илмий ишлар амалга оширилган.

Хорижлик олимларнинг, хусусан, П.А.Сорокин, С.Липсет, Р.Бендикс, П.Блау, О.Дункан, Б.Барбер, Ж.Голдторп, Р.Эриксон, М.Хоут, К.Жевеллининг ишларида⁵ ёшларнинг социал мобиллик тенденцияларида армия, дин ва таълим каби уч омилнинг устувор эканлиги тизимли таҳлил этилган, касбий ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ишлаб чиқдилар ва ҳаракатчанликка таъсир этувчи омилларни ажратдилар⁶, социал мобиллик ҳодисасига ёшларни ҳокимият қонунийлигини таъминловчи куч сифатида ёндашган ва тенденция Липсет модели асосида исботланган, социал мобиллик тенденциялари қиёсий таҳлил қилиниб, ижтимоий келиб чиқиш, таълим ва касбий тайёргарликнинг бу жараёндаги ўрни аниқланиб, ижтимоий ҳаракатларнинг жамият социал тузилиши ўзгаришига ҳам таъсир даражаси асосланган⁷. МДХ давлатлари олимларининг, хусусан, Л.Бляхман, Т.Заславская, Р.Рывкина, А.Сухов, А.Здравомыслов, В.Подмарков, М.Руткевич, Ф.Филиппов, Ш.Шоисматуллоев, В.Бойко, Н.Васильевларнинг ишларида касбий ва меҳнат ҳаракатчанлиги ва уларнинг омиллари, социал мобиллик жараёнларининг жамиятга таъсири, иш ўринларининг турли ҳудудлар ўртасидаги қайта тақсимотига бағишланган кўплаб тадқиқотларида кузатилган, шунингдек, объектив иқтисодий қонунлар ва меҳнат ҳаракатчанлигининг ўзаро таъсири таҳлил қилиниб, улар туркумланган ва таърифланган⁸.

ўрни // «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги конференция материаллари, 2020 - №17. – Б.9-13.; Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Akademiya, 2019 й.; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С.183.; Абдуазимов О.У. Роль средств массовой информации в формировании общественного мнения (на примере Республики Узбекистан) // Вестник Поволжского института управления. – 2015. - №4 (49) – С. 45-50.; Каланов К.К. Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш тизими динамикаси тахлилида обрунинг роли. Соц.фан.номз.дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2000.; Каримов Б.Р. Единство диалектики, логики и теории познания: в аспекте восхождения от абстрактного к конкретному. - Ташкент: Фан, 1992. – С.53.; Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2019. – Б.217.

⁵ Сорокин П.А. Социальная стратификация и мобильность // Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – Москва: Политиздат, 1992. – С.295-425.

⁶ Lipset S., Bendix R. Social mobility in industrial society. - London: William Heinemann Ltd., 1959; Social mobility in industrial society. - L.A.: University of California Press, 1967.

⁷ Erikson R., Goldthorpe J. National variation in social fluidity // CASMIN project working paper. - 1986. - № 9; Hout M. Status, autonomy and training occupational mobility // American journal of sociology. - Vol. 89. - № 6. - Dec. 1984. - Pp. 1379-1409; Goldthorpe J., Jewell C. Class rtibbilty and kinship. - Oxford: Nuffield college, 1977; Goldthorpe J. Social mobility and class structure in modern Britain. - Oxford: Clarendon Press, 1987.

⁸ Бляхман Л.З., Здравомыслов А.Г., Шкаратан О.И. Движение рабочей силы на промышленных предприятиях. – М.: Экономика, 1965.; Заславская Т.И. Трудовая мобильность как предмет экономико- социологического исследования // Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Под ред. Т.И. Заславской, Р.В.Рывкиной. – Новосибирск: 1974. – С.7-45.; Бляхман Л.З., Здравомыслов А.Г. Отношение к труду и текучесть кадров. – Новосибирск: Наука, 1969.; Подмарков В.Г. Трудовая мобильность и общественное развитие // Социология и проблемы социального развития. – М: Наука, 1978. – С.116.; Рывкина Р.В. К изучению социально-психологических аспектов трудовой мобильности // Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Под ред. Т.И. Заславской, Р.В. Рывкиной. – Новосибирск: 1974. – С.79-107.; Сухов А.А. Трудовая мобильность при социализме. – М: Экономика, 1981. – С.76.; Руткевич М.Н., Филиппов Ф.Р. Социальные перемещения. – М.:

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида ёшлар мобиллигига оид сиёсати билан боғлиқ муаммолар тизимли тадқиқ этилган бўлсада, социал мобилликнинг ҳолати уни такомиллаштириш механизмлари борасида илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган. Тадқиқот предмети доирасига мобиллик манбалари, ҳаракатлантирувчи кучлари, бу жараённинг яқин ва ўрта истиқболдаги ҳолати, ўзгариш тенденцияларини тадқиқ этиш орқали тизимли ёндашув заруратини ҳам юзага келтиради. Бу эса, диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллигига таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва Ўзбекистонда ёшлар социал мобиллиги механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- социал мобиллик назарияларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш;
- Шарқ мутафаккирларининг социал мобиллик борасидаги ёндашувларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;
- ёшлар социал мобиллигини такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатларини таҳлил қилиш;
- ижтимоий жараёнларни социал мобилликка таъсирини ёритиш;
- замонавий жамиятларда горизонтал ва вертикал социал мобиллик каналларини таснифлаш;
- социал мобиллик механизмларини тартибга солиш ижтимоий бошқарувнинг асосий омили эканлигини очиқ бериш;
- ёшлар социал мобиллигининг ҳуқуқий асосларини социологик тадқиқотлар орқали таҳлил қилиш;
- ёшлар социал мобиллиги механизмларини такомиллаштиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш орқали назарий хулосалар ва амалий таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти жамиятни модернизациялаш шароитида ёшлар социал мобиллигини такомиллаштириш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ёшлар социал мобиллик механизмларини такомиллаштиришга оид фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Наука. Шоисматуллоев Ш. Межпоколенная мобильность и эволюция социального поведения молодежи в кризисном обществе: Дис... д-ра социол. Наук. –М: 1999.; Бойко В.И., Васильев Н.В. Социально-профессиональная мобильность эвенов и эвенков Якутии. - Новосибирск: Наука, 1981.; Удалена И.В., Гражданников Е.Д. Измерение социальной мобильности. - Новосибирск: Наука, 1988;

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни таҳлил қилиш, интервью, анкетали сўровнома, эксперт сўрови усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

горизонтал ва вертикал йўналишдаги социал мобиллик каналлари (оила ва никоҳ, таълим, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар, миграция) орқали ёшларнинг социал мобиллигини тартибга солишда ижтимоий бошқарув (махалла, хотин-қизлар, ёшлар тузилмалари ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлар) институтларининг ислохотлар ташаббускори сифатида намоён бўлиш миқёсини кенгайтириш зарурати исботланган;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар орқали ёшлар социал мобиллигига таъсирини аниқлашнинг (ёшларнинг шарт-шароитлардан қониқиш ёки қониқмаслиги, таълим олишга интилиши, касбий такомиллашуви) аффилятив мотивлари (коммуникативлик, ўзаро ишонч муносабатларини яратиш, мулоқот, дўстлар орттириш) асослаб берилган;

ёшларнинг социал мобиллиги механизмларини тадқиқ этиш асосида унинг таркибий элементлари (барқарор демографик вазият, ёшларга ҳамда ёш оилаларга муносиб маиший ва ижтимоий шароитлар, мўътадил даромад, эркин тадбиркорлик муҳити, бандлиги ва мустақил бандлигини таъминланиш ҳолати) ҳамда ёшларнинг социал мобиллик жараёнларидаги социал портрети (мотивлар, қадриятлар, ҳаракатчанлик субъектининг интилишлари, хулқ-атвори, саломатлиги, жисмоний ва ақлий қобилиятлари) очиб берилган;

беш муҳим ташаббус (маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш) орқали ўсиб келаётган авлодни фаоллаштириш, турли иллатларга қарши иммунитетини шакллантиришда ёшларнинг интеллектуал ва ижтимоий мобиллик интенсивлигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

социологик тадқиқотлар асосида жамиятнинг модернизациялашуви шароитида ёшлар социал мобиллиги жараёнларининг хусусиятлари ўрганилган;

Ўзбекистондаги мавжуд социал мобиллик каналларининг ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинган;

жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги янги ривожланиш босқичида ёшлар социал мобиллигини тартибга солишда масъул давлат органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг валидлиги (ишончлилиги) ҳар бир тадқиқот ва шакли мазмунидан келиб чиқиб, анкетада назорат

саволлари қўйилиб, икки босқичли қайта сўров ҳамда якуний эксперт сўровлари ўтказилган, умумий натижаларни эксперт сўров натижалари билан қиёслаш орқали якуний хулосага эришилган, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари ходимлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва муассасалари ходимлари, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари аъзолари учун тавсиялар ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Бошқарув социологияси», «Таълим социологияси», «Ёшлар социологияси», «Шахс ва жамият» каби ўқув фанларига дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий тавсиялар тайёрлашда ҳамда ёшларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллигини такомиллаштириш механизмлари бўйича тадқиқот натижаларидан:

горизонтал ва вертикал йўналишдаги социал мобиллик каналлари (оила ва никоҳ, таълим, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар, миграция) орқали ёшларнинг социал мобиллигини тартибга солишда ижтимоий бошқарув (махалла, хотин-қизлар, ёшлар тузилмалари ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлар) институтларининг ислохотлар ташаббускори сифатида намоён бўлиш миқёсини кенгайтириш зарурати исботланганлиги маълумотидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2018 йил иш режасининг 6.10, 6.14, 6.19 бандларини тайёрлашда, шунингдек, «Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий кайфияти» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотда фойдаланилган (ЎзМТДПнинг 2019 йил 13 мартдаги 01-136-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар жамиятни модернизациялаш шароитида ёшлар социал мобиллигини такомиллаштиришга, ёшларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни партия ташкилотлари томонидан такомиллаштиришга хизмат қилган. Ушбу таклиф ва тавсиялар партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига тақдим этилган;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар орқали ёшлар социал мобиллигига таъсирини аниқлашнинг (ёшларнинг шарт-шароитлардан қониқиш ёки қониқмаслиги, таълим олишга интилиши, касбий такомиллашуви) аффилятив мотивлари (коммуникативлик, ўзаро ишонч муносабатларини яратиш, мулоқот, дўстлар орттириш) асослаб

берилганлигидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2018 йилда «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий кадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкетада «А» блокида 4 та, «В» блокида 4 та, «С» блокида 3 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 20 майдаги 01-16/186-1-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар орқали ёшлар социал мобиллигига таъсирини аниқлаш орқали ёшларнинг ҳаётий кадриятларини, ахлоқини, ижтимоий йўналишларини башорат қилишда ва тегишли ташкилотлар ва органларга таклиф ва тавсиялар бериш имконини берган;

ёшларнинг социал мобиллиги механизмларини тадқиқ этиш асосида уларнинг таркибий элементлари (барқарор демографик вазият, ёшларга ҳамда ёш оилаларга муносиб маиший ва ижтимоий шароитлар, мўътадил даромад, эркин тадбиркорлик муҳити, бандлиги ва мустақил бандлигини таъминланиш ҳолати) ҳамда ёшларнинг социал мобиллик жараёнларидаги социал портрети (мотивлар, кадриятлар, ҳаракатчанлик субъектининг интилишлари, хулқ-атвори, саломатлиги, жисмоний ва ақлий қобилиятлари) очиб берилганлигидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2018 йилда «Ижтимоий тараққиёт ва таълим жараёни» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотларда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 20 майдаги 01-16/186-2-сон маълумотномаси). Мазкур натижалардан фойдаланиш Ўзбекистонда ёшларни социал мобиллик жараёнида ёшларга ҳамда ёш оилаларга муносиб маиший ва ижтимоий шароитлар, мўътадил даромад, эркин тадбиркорлик муҳити, бандлиги ва мустақил бандлигини таъминлаш ҳолатини очиб бериш имконини берган;

беш муҳим ташаббус (маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш) орқали ўсиб келаётган авлодни фаоллаштириш, турли иллатларга қарши иммунитетини шакллантиришда ёшларнинг интеллектуал ва ижтимоий мобиллик интенсивлигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилганлиги маълумотидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 3 январда 01-03/18-сон Қарори билан тасдиқланган 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг V. Ёшларга муносиб меҳнат шарт- шароитларини яратиш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишининг 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда, шунингдек, 2019 йил март ойида ўтказилган «Ижтимоий бошқарув ва касбий такомиллашув» мавзусида ўтказилган социологик сўровда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг 2019 йил 24 майдаги 04-13/2604-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар ёшларни социал мобиллиги жараёнининг самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишда ўз самарасини кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманлар ҳамда 2 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 5 та мақола, (шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда) илмий-амалий конференция тўпламларида 7 та мақола (шундан 2 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацион тадқиқотнинг асосий матни 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот методлари келтирилган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ёшлар социал мобиллигини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган бўлиб, учта параграфдан иборат. Унда социал мобиллик назариясига атрофлича таъриф ва тушунчалар берилган. Социал мобиллик ҳодисасига илмий ёндашув Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида муфассал берилганини кўрамиз. Шунингдек, одамлар ва халқларнинг турли иқтисодий, сиёсий ва интеллектуал омиллар таъсирида ижтимоий мақом, тил ва касбий йўналишларидаги ўзгаришлар Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳамда Огаҳийнинг асарларида ёритилган. Социал мобилликнинг замонавий таърифи XIX аср охири XX аср бошларида социология фанига кириб келди.

Социал мобиллик назарияси илк мартаба 1927 йилда социология нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва социал мобиллик назариясининг ёшлар социал мобиллик механизмларини ёритишдаги аҳамияти, турли ижтимоий институтларнинг индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг горизонтал ва вертикал ҳаракат қиладиган каналлар сифатидаги роли ҳамда мобилликнинг мутлақ ва нисбий ҳажми, унинг яқин ва узоқлиги, социал мобилликнинг микдорий кўрсаткичлари кўриб чиқилган⁹.

Диссертантнинг фикрича социал мобиллик маълум бир шахслар ёки ижтимоий гуруҳлар жамиятда эгаллаб турган социал мақомидан ёки ижтимоий ҳаётдаги позициясидан қоникмасдан бошқа ижтимоий гуруҳ ва

⁹ Сорокин П.А. Социальная стратификация и мобильность // Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. М.: Политиздат, 1992. С. 295-425 с.

табақаларга кўчиб ўтишлари натижасида жамиятда эгаллаб турган ижтимоий мақомларини яхшилаш маъносини билдиради. Бундай ижтимоий ҳодисалар инсоният тарихи билан бирга ривожланиб келаётганини кўриш мумкин. Шунингдек, муаммони социологик тадқиқ этиш, турли ижтимоий институтларнинг индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг вертикал ҳаракат қиладиган каналлар сифатидаги ролини ҳамда социал мобилликнинг мутлақ ва нисбий ҳажмини миқдорий кўрсаткичларда таҳлил этишга йўл очди.

Социал мобиллик муаммолари ва унинг омилларини, ёшлар ижтимоий ҳаракатчанлигини тартибга солиш амалиётида қўлланиши мумкин бўлган ижтимоий ҳолатларни бошқариш технологияларини тадқиқ этишда бир неча йўналишдаги тушунчалар ва илмий назариялар таҳлил қилинган. Ҳусусан, турли ижтимоий институтларнинг индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг вертикал ҳаракат қиладиган каналлар сифатидаги ролига тўхталиб, унинг тизим ясовчи элемент сифатида социал мобиллик жараёнининг барча элементларга драйвер сифатидаги роли ва мавқеи ёритиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Замонавий жамиятларда ёшлар социал мобиллиги, каналлари ва омиллари»** ўрганилди. Бобда замонавий жамиятларда горизонтал ва вертикал социал мобиллик каналлари таснифланди. Дунё жамиятларида ривожланишнинг турли босқичлари ва турли даврларда социал мобилликнинг горизонтал ва вертикал каналларининг турлича намоён бўлиши баён этилди. Шунингдек, ижтимоий жараёнларнинг ҳаракатланиши, унинг тартиб ва қоидалари ҳамда ижтимоий жараёнларнинг ҳаракатланишида социал мобилликнинг аҳамияти Фарбий Европа ва АҚШ олимларининг социологик тадқиқотлари натижалари бўйича илмий таҳлил қилинди.

Жамиятдаги ижтимоий қатламлар ўртасида мутлақ чегараларнинг ўзи йўқ. Баъзи қатламлар вакиллари бошқа қатламларга ўтишлари мумкин. Кўпинча бундай ҳаракатлар социал институтлар орқали содир бўлади. П.Сорокин дастлаб бундай социал мобиллик каналларини армия, черков ва мактаб каби социал институтлар орқали ифодалаган¹⁰.

Социал мобиллик каналларига берилган илмий тадқиқотлар шуни англатадики, ҳар қандай социал ҳаракатчанлик ижтимоий жараёнларсиз содир бўлмайди. Ижтимоий жараёнлар эса барча социал ўзгаришларнинг асосини ташкил қилади. Ўз навбатида ижтимоий жараёнлар социал мобилликнинг драйвери сифати намоён бўлади.

Ижтимоий жараёнларни бошқариш усуллари орасида бугунги кунда уларни тартибга солиш усуллари алоҳида долзарблик касб этади. Тартибга солиш тушунчасининг моҳиятига доир турли нуқтаи назарлар мавжуд¹¹. Масалан, таъсирнинг йўналишидан келиб чиқиб тартибга солиш ижтимоий объектнинг ўзини эмас, балки у фаолият юритадиган ва ривожланадиган

¹⁰ Ўша жойда. - С.542.

¹¹ Данакин Н.С. Теоретические и методические основы проектирования технологий социального управления. - Белгород: Центр социальных технологий, 1996. - С. 23-24.

муҳит шароитларини ўзгартиришга қаратилган билвосита бошқарув таъсирининг бир тури ҳисобланади.

Бошқа томондан, тартибга солиш – бу маълум бир жараёни белгиланган меъёрлар, қоидаларга мувофиқлаштириш мақсадида бошқарув ҳаракати, яъни ижро этувчи ҳаракатнинг бир туридир. Замонавий жамиятларда ижтимоий мавқенинг юксалиши, одатда, ҳам субъект, ҳам жамият учун кераклидир. Кўплаб оилаларнинг янада юқори мавқели гуруҳларга ўтиши солиққа тортиш базасини кенгайтиради, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди¹².

Ҳар қандай жамиятда ҳам у ёки бу даражада вертикал мобиллик мавжуд бўлганлиги ҳамда қатламлар ўртасида ҳаракатланувчи кишилар бир қатламдан бошқасига тепага ёки пастга кўчиб ўтиши мумкин бўлган «филтрлар», «туйнуклар», «пиллапоялар», «лифтлар» ёки «йўллар» мавжуд¹³ бўлганлиги сабабли, ижтимоий циркуляциянинг мазкур каналлари аслида қандай эканлигини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Социал мобиллик жараёни иқтисодий, сиёсий ёки маданий таъсирлар орқали амалга ошади.

Социал мобиллик каналлари, лифтлари ва йўлларининг нормал фаолияти уларнинг қобилиятли, иқтидорли (ижтимоий канал) индивидларнинг олға юришига имкон беради. Муайян соҳада иқтидорсиз, одамларнинг ҳаракатига муайян ижтимоий филтрлар тўсқинлик қилади. Айни пайтда жамият ҳаётида икки жараённинг узвий олиб борилиши муҳим, чунки илгари суриш функциясининг устунлик қилиши етарли даражада малакали кадрлар танланишига ҳалал бериши мумкин. Бошқа томондан, ижтимоий филтрларнинг ҳаддан ортиқ кучайиши турли «айланма» йўлларнинг (уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ва коррупция иллатларини) тарқалишига ҳамда танлаш тартиб-таомилининг расмиятчиликка берилишига, яъни ички эмас, ташқи аломатларни афзал топилишига олиб келади.

Социал мобиллик каналлари бир жамиятнинг ривожланишидаги турли даврларида хилма-хил тарзда намоён бўлади. Социал мобиллик назариялари бўйича армия, таълим, дин, мулкдорлик, оила ва никоҳ тузиш, ривожланган давлатларнинг фуқаролигига эга бўлиш, давлат органлари ва сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиш, сайлов институтлари орқали сайланиш, профессионал ташкилотларнинг ишчиси бўлиш, оммавий ахборот воситалари ҳамда «Public Relations» (PR), миграция, эмиграция, иммиграция, мерос, туризм, коррупция каби маҳаллий каналларни айтиб ўтиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда ёшлар социал мобиллиги механизмларини такомиллаштиришнинг эмпирик таҳлили**» деб номланган. Мазкур бобда Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига доир меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар контент таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики ёшларга оид давлат сиёсати бўйича қабул қилинган 1991 йилдаги ва 2016 йилда қабул қилинган қонунлардаги фарқ шундаки, 2016 йилдаги қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга

¹² Социальное управление: Словарь / Под ред. В.И.Добренкова - М.: Изд-во МГУ, 1994.-С. 134.

¹³ Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М: Политиздат, 1992. – С.534.

чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланган. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шакл-шубҳасиз, ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чоратadbирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистонда ёшлар социал мобиллиги механизмларини такомиллаштиришнинг эмпирик таҳлили сифатида «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази билан ҳамкорликда 2018 йилда «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий кадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар» ҳамда «Ижтимоий тараққиёт ва таълим жараёни» мавзуларида ўтказилган социологик сўров натижалари асосида бугунги кундаги ёшлар ҳаётидаги ижтимоий масалалар илмий таҳлил қилиниб, ёшлар социал мобиллигига доир ижтимоий муаммолар ўрганилган:

Социологик сўров Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилди. Жами 1100 нафар респондент сўралди, жумладан, шаҳар аҳолиси – 559 киши (50,8%) ва қишлоқ аҳолиси 541 киши (49,2 %), эркеклар – 556 киши (50,5%) ва хотин-қизлар – 544 киши (49,5%). Сўров ўтказилган ёшларнинг ёш тузилмаси: 14-30 ёш. Сўровга қамраб олинган ишловчи ёшлар – 30,5%, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари – 34,6%, ОТМлари талабалари – 13,7%, бола парвариши бўйича таътилдагилар – 3,8%, уй бекалари – 9,0%, ишламайдиганлар – 8,3%, ногиронлиги бўлган шахслар – 0,1% ни ташкил этган.

Респондентларнинг фикрига кўра бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар социал мобиллигининг энг кўп учрайдиган кўринишлари таълим ва касбий соҳадир.


Таълим соҳасида ёшларнинг социал мобиллигини таҳлил қилиш ёшларнинг маълумот даражасини, унинг истиқболли турларини, ёшларнинг ҳаёт йўлини танлашдаги интилишларини, респондентларнинг ўз тил ва ахборот тайёргарлигига ўзлари берган баҳони аниқлашга имкон берди.

Ёшларнинг келажакдаги режаларини аниқлаш учун маълумот даражаси бўйича респондентлар танлаб олинди. Сўровда 53,8% ўрта махсус, 11,5% ўрта, 25,6% тўлиқсиз ўрта, 5,7% олий ва 3,4% тўлиқсиз олий маълумотга эга респондентлар иштирок этди.

Гендер кесимида тадқиқот маълумот даражасидаги унча катта бўлмаган тафовутни, шунингдек, 2017 йилдаги сўров натижалари маълумотлари билан қиёсланганда ёш аёллар ўртасидаги маълумот даражаси социал мобиликка ундовчи куч сифатидаги кўрсаткичларининг ошганлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

1-расм.

Гендер кесимида респондентларнинг маълумот даражаси.



Респондентларнинг фикрига кўра мамлакат ёшларининг келажақда ўз режаларини амалга ошириш учун, энг аввало, ўз билим даражасини ошириш орқали натижага эришиш мумкинлигида ўсиш тенденцияси кузатилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, ёшларда келажақдаги режаларини амалга ошириш учун ўз билимини ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ёшлари ўртасида ўз маълумот даражасини ошириш истаги кўрсаткичлари ўсгани кузатилди (шаҳар: 2017 йилда 66,9%, 2018 йилда 68,5%) (қишлоқ: 2017 йилда 58,8%; 2018 йилда 62,5%).

Ёш кесимида ўз билимини ошириш истаги 14-19 ёшли, 18-19 ёшли респондентларга 25-29-ёшлилардан кўра кўпроқ хосдир (тегишлича 14-19 ёшда 92,1%, 18-19 ёшда 81,6% ва 25-29 ёшда 51,6%). Бошқача айтганда, ёш катталашган сари маълумот олиш истаги камайиб боради. Таъкидлаш керакки, 2017 йил билан қиёсланганда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари (2017 йилда – 91,8%; 2018 йилда – 89,5%) ва ОЎЮлари талабалари ўртасида (2017 йилда – 81,8%; 2018 йилда – 67,0%) ўз маълумоти даражасини оширишни хоҳловчилар ишлаётган ёш респондентларга нисбатан камайди (2017 йилда – 44,7%; 2018 йилда – 54,1%) (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

«Сиз келажақда маълумотингизни оширишни хоҳлайсизми?», деган саволга жавобларнинг тақсимланиши (% ҳисобида)

Жавоблар варианти	2015	2016	2017	2018
Ҳа, хоҳлайман	57,3	57,8	62,7	65,6
Йўқ, хоҳламайман	29,6	30,8	26,6	24,9
Жавоб беришга қийналаман	13,1	11,4	10,7	9,5

Респондентларнинг оилавий мақоми ўз маълумотини ошириш истагига таъсир кўрсатади. Ўз маълумотини оширишни хоҳлайдиган респондентлар ўртасида бўйдоқлар ва турмуш қурмаганлар сони уйланганлар ва турмуш қурганлар сонидан деярли 2 марта кўпдир (тегишлича турмуш қурмаганлар 77,1% ва турмуш қурганлар 42,8%). Демак, турмуш қурмаганлар социал мобиликка кўпроқ мойилдир.

Ўтказилган сўров мониторинг тадқиқотлари режимида аниқланган мамлакат ёшлари ўртасида олий маълумот ижтимоий қийматининг ўсиш тенденциясига қарамасдан 2017 йилдаги сўров билан қиёсланганда бакалаврият ва магистратура даражасида таълим олишни хоҳловчилар сони 2017 йилдаги 76,5%

ва 2018 йилдаги 20,5%дан тегишлича 69,8% ва 14,3%гача камайганлигини кўрсатди.

Олий маълумот олишни истайдиган ва яқин йилларда ўзининг олий ўқув юртига кириш ниятини билдирган респондентлар сони 2016-2017 йиллардаги сўров натижалари билан қиёсланганда бироз ўсди (2016 йилда 77,7%; 2017 йилда 89%; 2018 йилда 90,4%). Қорақалпоғистон Республикаси (58,8%) ва Сирдарё вилоятидаги (66,6%) респондентлар ўртасида ушбу кўрсаткичнинг умумий ўртача кўрсаткичдан пастлиги аниқланди. Ўзбекистон ёшлари олий таълим тизимида билим эгаллашни истаган энг жалб қилувчи касблар ўртасида аввалгидек биринчи ўринни фан, педагогика мутахассисликлари (52,1%), бизнес, хизматлар ва ишлаб чиқариш (22,0%), тиббий мутахассисликлар (8,6%) эгаллайди, сўралганларнинг 3,7% ҳарбий ва спорт мутахассисликларни эгаллашга мойил. Сўралганларнинг 3,4% маданият соҳасида олий маълумот олишни истайди. Ёшларнинг 1,4% ўзини фермерликка ва қишлоқ хўжалигига бағишлашга тайёрдир. Сўралганларнинг 2,9% касб танлашдаги устуворликлари ҳақидаги саволга аниқ жавоб бера олмадилар.

Ёшларда техник мутахассисликлар бўйича маълумот олишга ҳаракатлари ва мотивациянинг аввалгидек етарли эмаслиги аниқланганлигини таъкидлаш жоиз, бу ёшлар ўртасида техника йўналишида маълумот олишга касбий йўналтиришни кучайтириш муаммосини кун тартибига қўяди.

Шундай қилиб, тадқиқот мамлакат ёшларида ўз маълумот даражасини ва олий маълумотнинг ижтимоий қийматини оширишга кучли мотивациянинг сақланиб қолаётганлиги тенденциясини кўрсатди. Аммо олдинги сўровларга қиёсланганда ОТМларга кириш учун ёшлар томонидан олинган билимларнинг етарлича эканлигига уларнинг ўз ишончи камаймоқда. Чунончи, сўралганларнинг ярмидан кўпи (54,4%) ўзларида бундай билимлар етарли эмас, деб ҳисоблайди. Хусусан, Наманган (92,9%), Навоий (71,4%) ва Андижон (70,4%) вилоятларида мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан юқори эканлиги аниқланди.

«Сизни олий маълумот нимаси билан жалб қилади?», деган саволга сўралганларнинг 63,3% (69,2% - 2017 йилда, 69,1% - 2016 йилда) ҳаётдаги муваффақият учун зарур бўлган мутахассисликка эга бўлиш имкониятини кўрсатди. Олий маълумот олиш учун мотивни олий маълумотнинг ижтимоий нуфузи, қарийб ҳар учинчи респондент (2018 йилда 30,2%; 2017 йилда 19,8%) шунингдек, келажакда яхши маош олиш ва ишга жойлашиш имконияти деб ҳисоблайди. Бу кўрсаткич Ўзбекистон шароитида таълим социал мобиллик каналлари ичида катта нуфузга эга бўлган канал эканлигидан далолат беради. Демак, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар қанчалик даражада ўз самарадорлигини кўрсатиши ёшларнинг жамиятда ўз муносиб ўринларини эгаллаши ва мамлакат тарққиётига ўз ҳиссасини қўшишига боғлиқ бўлиб қолади. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлари учун олий таълимнинг ижтимоий қадрияти, мутахассисликка эга бўлиш муҳимлиги, олий таълим нуфузи, яхши иш ҳақи олиш ва ишга жойлашиш имкониятининг англаниши билан тасдиқланди.

Бундай натижалар модернизациялашаётган Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотларнинг натижасидир. Бу ҳолат бир томондан, олий таълимнинг нуфузи ортаётганидан, иккинчи томондан, олий ва ўрта махсус таълим олиш орқали ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топа олишга ишончи ортаётганини асослайди.

Ўтказилган тадқиқотда ёшлар касбий ҳаракатчанлигининг омиллари аниқланди. Ёшларнинг меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳаракатчанлигини ўрганиш жамиятнинг инсон салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш учун, шунингдек, меҳнат бозорининг шаклланиши ва ёшларни ишга жойлаштириш имконияти билан муҳимдир. Ёшларнинг меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳаракатчанлигини таҳлил қилиш ёшларнинг бандлик даражасини ва унинг энг истиқболли турларини аниқлашга имкон беради.

Социологик сўров натижалари ҳозирги вақтда ёшларнинг учдан бири (30,7%) меҳнат фаолиятини амалга ошираётганини кўрсатди. Бунда бир неча йиллик сўровлар мобайнида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган респондентларнинг сони барқарор қолаётгани қайд қилинди (2-жадвалга қarang).

2-жадвал

«Сиз ҳозирги вақтда ишляпсизми?», деган саволга ишлаётган ёшлар берган жавобларнинг тақсимланиши (% ҳисобида)

Минтақалар	Жавоб вариантлари			
	Ҳа		Йўқ	
	2017	2018	2017	2018
Жами	30,6	30,7	69,4	62,3
Тошкент шаҳри	40,3	36,1	59,7	63,9
Қорақалпоғистон Республикаси	18,5	27,9	81,5	72,2
Андижон	36,4	23,8	63,6	76,2
Бухоро	29,0	26,7	71,0	73,3
Жиззах	39,1	36,5	60,9	65,5
Қашқадарё	24,1	40,0	75,9	76,9
Навоий	48,5	23,1	51,5	60,0
Наманган	25,0	30,3	75,0	76,9
Самарқанд	41,4	41,1	58,6	69,9
Сурхондарё	29,1	31,1	70,9	69,9
Сирдарё	31,0	24,5	69,0	75,5
Тошкент	29,1	47,1	70,9	72,2
Фарғона	30,0	25,5	70,0	74,5
Хоразм	13,3	24,6	86,7	75,4

Яшаш жойига боғлиқ ҳолда бандлик даражасида жиддий тафовутлар кузатилмайди (шаҳар ёшлари – 31,8%, қишлоқ ёшлари – 29,6%).

Гендер кесимида бандлик даражасида аввалгидек тафовут кузатилади. Ёш йигитлар (2016 йилда 38,4%, 2017 йилда 40,6%, 2018 йилда 38,1%) меҳнат соҳасида аёллар билан қиёсланганда (2016 йилда 26,8%, 2017 йилда 22,6%, 2018 йилда 23,2%) кўпроқ фаолдир.

Ишлаётган ёшларнинг ёш тавсифларини таҳлил қила туриб, қайд этиш зарурки, 20-29 ёшлардаги йигитлар аввалгидек энг кўп меҳнат фаоллигини намоиш қилишмоқда (45,7%). Кейинги йиллардаги сўровларда 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ва йигитларнинг бандлиги кўрсаткичларида биров пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Сўровнинг кўрсатишича, ёшларнинг иш билан бандлик даражаси улар олган маълумотга боғлиқдир. Масалан, иш фаолияти билан банд олий маълумотли ёшлар сўралганларнинг 62,0% ташкил қилади, айти вақтда ўрта ва ўрта махсус маълумотли, меҳнат билан банд ёшлар тегишлича 2017 йилда 32,5% ва 2018 йилда 37,7%ни ташкил қилади.

Ёшлар бандлигининг маълумот ва мутахассисликка мувофиқ келиши таълим даражасига боғлиқ бўлади. Масалан, олий маълумотли ёшлар мутахассислиги бўйича ишлаётган респондентларнинг кўпчилигини ташкил этади - 82,3% (2017 йилда 92,1%, 2016 йилда 89,1%). Айти вақтда ушбу кўрсаткич ўрта маълумотли (36,6%) ва ўрта махсус маълумотли (45,8%) ёшлар ўртасида анча пастдир.

Сўровда аниқландики, асосан тўлиқсиз ўрта, ўрта ва ўрта махсус маълумотли ёшлар хизматда ўсиш қийинчиликларига дуч келишади. Ёшларнинг меҳнат карьераси билан ўсишга интилиши ўз касбий малақасини оширишда намоён бўлди. Шунингдек, респондентларнинг ярмидан кўпи ўз мутахассисликлари бўйича билимларини мунтазам янгилаб боришга ҳаракат қиладилар – 2018 йилда 52,7% (2017 йилда 58,6%, 2016 йилда 57,6%).

Ёшларнинг тадбиркорлик соҳаси орқали мулкдор бўлишга доир ижтимоий ҳаркатчанлигини таҳлил қилиш ёшлар шуғулланадиган тадбиркорлик фаолиятининг асосий соҳаларини, фаолият соҳасини танлашга доир уларнинг қарашларини, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини ва улар дуч келадиган қийинчиликларни аниқлашга имкон беради.

Ўтказилган сўров ёшларнинг хусусий тадбиркорлик ёки кичик бизнес билан шуғулланишга жалб этилганлигини баҳолашга имкон берди. Аввалгидек ёшлар ўртасида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишнинг паст даражаси сақланиб қолмоқда – сўралганларнинг тахминан ўндан бир қисми – 9,5% (2016-2017 йилларда 9,2%) тегишли саволга ижобий жавоб берди.

Респондентлар жавобларининг ҳудудий-маъмурий бирликларга боғлиқ таҳлили ишлайдиган ёшларнинг хусусий тадбиркорликка жалб қилинишидаги муайян минтақавий табақаланишни аниқлашга имкон берди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, Бухоро (25,7%), Қашқадарё (15,9%), Сурхондарё (15,3%) вилоятлари ёшлари хусусий тадбиркорлик билан нисбатан ҳаммадан кўпроқ шуғулланишади.

Сўров натижалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда гендер тавсифларга боғлиқ жиддий тафовут борлигини кўрсатди. Сўралган респондентлар ўртасида ёш аёл тадбиркорлар 5,7% ни ташкил қилади. Тадқиқот жараёнида ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида уларнинг ёш тавсифларидан келиб чиқувчи жиддий тенденциялар аниқланмади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда оилавий-қариндошлик

